2024-yil 22-avgust, payshanba

№ 105 (5013)

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

# Ishonch

• O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

## Кунниг муҳим воқеалари



*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев 22-23 август кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.*



*Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистондаги 5 та сиёсий партияга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлар сайловида қатнашиш учун рухсат берди.*



*Ўзбекистон элчиси Равшан Усмонов Британиянинг Pearson таълим ташкилотининг вице-президенти Жейн Бейкер билан учрашув ўтказди.*



*Тошкент вилоятининг эко ва агротуризм салоҳиятини намоён этиш мақсадида жорий йилнинг 23-24 август кунлари Паркент туманида «Узум сайли» халқаро фестивали бўлиб ўтади.*



*БМТ агентликлари Оролбўйи минтақаси Кўп шериклик траст фонди кўмагида Қорақалпоғистонда иккита янги лойиҳани ишга туширди.*

***Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича Кўп шериклик траст фонди (КШТФ) томонидан қўллаб-қувватланадиган лойиҳаларга қуйидагилар киради:***

- *ЮНИСЕФнинг «Қорақалпоғистон Республикасининг тўртта туманида иқлим ўзгаришига чидамлиликни ошириш ва энг кўп жабрланган жамоаларни хавфсиз сув, канализация, гигиена ва соғлиқни сақлаш хизматлари билан таъминлаш» лойиҳаси;*
- *БМТ Тараққиёт дастури ҳамда Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг «Оролбўйи минтақасидаги аҳолининг экологик муаммоларни ҳаво сифати, ер ва сув ресурсларини бошқаришда инновацион ёндашувлар орқали ҳал қилиш бўйича билим ва кўникмаларини ошириш» қўшма лойиҳаси.*

# ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ЕЛКАМА-ЕЛКА...

*Нукус шаҳрида 20 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан навбатдаги очиқ мулоқоти бўлиб ўтди*

*Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар, ҳеч нарсадан чўчиманг. Билинг, ортингизда Президент турибди!*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

**Унда, жумладан, Президент бу йилги очиқ мулоқот айнан Қорақалпоғистонда ўтказилаётганига эътибор қаратиб, бу ерда тадбиркорлик қилиш афзалликини айтди. Хусусан, Қорақалпоғистонда бизнес учун бирорта ҳудудда йўқ 50 дан ортиқ имтиёзлар берилган. Ер ажратишнинг содда тизими жорий этилган. Бу ҳудуд катта бозорларга чиқиш учун ҳам қулай. Ушбу имкониятларни самарали ишга солиш мақсадида «Қорақалпоғистонда бизнес қилинг» дастури қабул қилиниши таъкидланди.**

**Сўнгги йилларда анъанага айланган бу мулоқот соҳадаги тизими муаммоларни ҳал этиш, таклифларни муҳокама қилиш ва янги қулайликлар яратиши билан ишбилармонлар кутадиган тадбирга айланди.**

**Бу йил очиқ мулоқот мунтазам давом этди, дейиш мумкин. Президентдан бошлаб Бош вазир, Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар, ҳокимлар, Савдо-саноат палатаси раҳбари, Бизнес омбудсман тадбиркор билан доимий мулоқотда бўлди.**




## ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ 5 та ЙЎНАЛИШДА ИЛГАРИ СУРГАН ЯНГИ ТАШАББУСЛАРИ:

**1** Биринчи йўналиш – кичик ва ўрта бизнес учун молиявий ресурсларни кўпайтириш.

**2** Иккинчи йўналиш – бизнесни инфратузилма, ер ва энергия билан таъминлаш.

**3** Учинчи йўналиш – ички бозорда тенг рақобат муҳитини яратиш, ташқи бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш.

**4** Тўртинчи йўналиш – хизматлар соҳасига янги туртки бериш.

**5** Бешинчи йўналиш – бизнес учун тўсиқ ва ғовларни янада қисқартириш.

## МАҲАЛЛАДАГИ КИЧИК ГОЯДАН МЕГА ЛОЙИҲАГАЧА

Тасдиқланган режадан ташқари, тадбиркорлар кўтарган

**700 дан ортиқ масала,**

ташаббус ва янги лойиҳалар қўллаб-қувватланди,

**8 триллион сўм**

қўшимча маблағ ажратилди. Саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар ривожи, тадбиркорлик инфратузилмаси учун яна

**18 триллион сўм**

йўналтирилди. Энг муҳими, маҳалладаги кичик лойиҳадан тортиб, мега лойиҳагача қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизим йўлга қўйилди.

## «А», «Б», «Д» – ЭРКИНЛАШАЁТГАН БИЗНЕС КЎРСАТКИЧЛАРИ

**Тадбиркорлик рейтингида «А» ва «Б» – яхши тоифага кирувчи корхоналар 91 мингга кўпайган, яна 170 минг корхона энг паст – «Д» тоифадан чиқарилган. Бунинг ҳисобига, солиқ текширувлари ўтган йилга нисбатан 2 карра қисқарган. Лекин шу даврда йирик солиқ тўловчилар тушумлари 10 фоизга, вилоят даражасидаги корхоналарда 25 фоизга, туман тадбиркорлари тўлаётган солиқлар 40 фоизга ўсган. Бу солиқчиларнинг иш услуби ўзгараётгани, бизнес қилиш эркинлашгани натижасидир.**

## МИНТАҚАДАГИ САНОАТ ХАБИ

Ўзбекистон маҳаллий корхоналар учун ҳам, чет эл компаниялари учун ҳам катта бозорга, минтақадаги саноат хабига айланди. Яқинда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти илк бор

**100 миллиард доллардан ошди.**

## «СОЯДАН ЧИҚИБ» – СОҒЛОМ РАҚОБАТГА

**Бугунги кунда 100 дан зиёд ишчиси бор корхоналар 3 мингга яқинлашиб, улардаги иш ўрни бир йилда**

**440 мингга кўпайди.**

**Хусусий секторда 5 миллион сўмдан кўп маош оладиган ишчилар**

**1 миллиондан ошди.**

**Шундан 370 минги**

**10 миллион сўмдан зиёд**

ойлик олади. Булар тадбиркорлар «соядан чиқиб», қонуний фаолият, соғлом рақобат йўлига ўтаётганидан далолат беради.

## ҚУЛАЙ МУҲИТ САБАБ...

Илгари кредит, бозор топиш, инфратузилма билан боғлиқ муаммолар, тинимсиз «текшир-текширлар» сабабли 60 фоиз янги тадбиркорлар фаолияти биринчи йилнинг ўзидаёқ тўхтаб қолар эди. Бугунга келиб уч йилдан ортиқ ишлаётган корхоналар улуши

**76 фоизни**

ташкил этиб, илк бор

**300 мингтага етган.**

Яна

**100 мингдан зиёд**

шундай якка тартибдаги тадбиркорлар бор.

## 33 ЙИЛЛИК ТАРИХДА БЎЛМАГАН

Жорий йилнинг ўтган олти ойида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳажми ўтган йилга нисбатан

**2 карра ўсиб, 14 миллиард долларга етди.**

Бундай рақамлар 33 йиллик тарихимизда бўлмаган.

## 6,5 триллион фойда

Солиқ, банк, молия, бутун иқтисодиёт комплекси «маҳаллабай» ва «мижозбай» ишлаётгани натижасида олдин зарар билан ишлаган

**16 минг**

**корхона ярим йилда 6,5 триллион сўм фойдага чиқди.**

## ЎТГАН ЙИЛГИГА НИСБАТАН 2 БАРАВАР КЎП

Бу йилнинг ўзида тадбиркорларнинг товар айланмаси ўтган йилга нисбатан

**25 фоизга кўпайиб, 986 триллион сўмга етди.**

Йиллик айланмаси

**10 миллиард сўмдан 100 миллиард сўмгача**

**бўлган ўрта корхоналар 2 карра кўпайди. Айланмаси**

**100 миллиард сўмдан ортиқ**

**йирик корхоналар эса 2 минг 200 тадан ошди. Бу ҳам – ўтган йилга нисбатан 2 баравар кўп.**

***Очиқ мулоқотда марказий ва ҳудудий студиялардан қатнашган тадбиркорлар, чет элларда бизнесини олиб бораётган ватандошларимиз ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Муаммолар муҳокама қилиниб, таклифлар қўллаб-қувватланди.***

**Гулруҳбегим ОДАШБОЕВА тайёрлади.**

# АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК ИШЛАР ДЕБОЧАСИ



2




4

## Шуҳратли йўл

www.ishonch.uz | ishonch1991@yandex.uz | facebook.com/ishonchofficial.uz | https://t.me/ishonchuz_official

*Президент ташрифи таассуротлари*

# АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК ИШЛАР ДЕБОЧАСИ

**Бугун Қорақалпоғистонга ташриф буюрган киши борки, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва янгиланишлардан дили яйрайди. Дарҳақиқат, Қорақалпоғистон бундан олти-етти йил олдингисидан-да сўлим ва гўзал диёрга айланган. Бу, албатта, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ва халқимизнинг ҳаётдан рози яшашлари учун қилинаётган саъй-ҳаракатлар мевасидир. Мамлакатнинг шимолий дарвозасидаги бунёдкорлик ишлари кўлами ортиб, имкониятлари тобора кенгайиб бораётгани боис овул ва шаҳарлар қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳоли яшаш шароити яхшиланиб боряпти.**

***Аввал ҳам айтганимдек, ўзбек ва қорақалпоқнинг тарихи ҳам, тақдири ҳам бир. Мен ишонаман, бизнинг ёруғ, бахтли келажагимиз ҳам албатта бир бўлади.***

***Шавкат МИРЗИЁЕВ***



Шу йилнинг 19-20 август кунлари давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюриб, саноат корхоналари, «АйТи» ва ижтимоий соҳа объектларини кўздан кечирди. Президентимиз дастлаб «Nukus Eiektroapparat» қўшма корхонасида иш жараёнини кўздан кечирди ва ходимлар билан суҳбатлашди. 2017 йилда ишга туширилган қўшма корхонада шу йилнинг июнь ойида 10 миллион доллардан зиёд маблағ эвазига қуёш панелларини ясаш лойиҳаси ишга туширилди. Ускуналар Корея Республикасидан келтирилган бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни 100 фоиз автоматлаштирилган. Лойиҳанинг йиллик қуввати – 273 минг дона. Қўшма корхона ички бозорда талаб юқори бўлган маҳсулотни маҳаллийлаштириш билан бирга 4 миллион долларлик экспорт имкониятига ҳам эга.

Умуман олганда, охирги етти йилда Қорақалпоғистонда 17 триллион 800 миллиард сўмлик 6 минг 784 та лойиҳа амалга оширилган. Бунинг натижасида 56 мингта иш ўрни яратилган. Шу даврда 2 миллиард 815 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган. Бу йил республикада умумий қиймати 874 миллион долларлик 470 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Ушбу ишлар изчил давом эттирилиб, Қорақалпоғистонда хорижий инвесторлар ва маҳаллий тадбиркорлар томонидан умумий қиймати 9,5 миллиард долларлик 124 та лойиҳа шакллантирилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шундан қарийб 1 миллиард 800 миллион долларлик 10 таси давлатимиз раҳбарига тақдимот қилинди. Лойиҳаларга Хитой, Саудия Арабистони, Германия, Россия, Испания каби мамлакатлар компаниялари инвестиция киритмоқда. Улар энергетика, иссиқлик таъминоти, тоғ-кон ва кимё саноати, қурилиш материаллари, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларни қамраб олгани билан аҳамиятлидир.

Масалан, Саудия Арабистони билан ҳамкорликда Нукус шаҳрида марказлашган иссиқлик таъминоти тизимини яхшилаш, Испания инвестицияси иштирокида Қораўзак туманида қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш, германиялик инвесторлар томонидан Нукус туманида мисни қайта ишлаш ва кабеллар ишлаб чиқариш лойиҳалари режалаштирилган.

Мазкур 124 та лойиҳа натижасида 20 мингдан ортиқ аҳолини иш билан таъминлаш кўзда тутилган.

## ТАДБИРКОРЛИК РУҲИ КЎЧГАН ОРОЛБЎЙИ

**«Қорақалпоғистонда тадбиркорлик қилиш имкони юқори», дея таъкидлади Президент тадбиркорлар билан мулоқотда.**

Шу боис бу ерда шамол электр станциялари ва саноат корхоналари қурилиши бошланиб, савдо мажмуалари ишга туширилди. Сўнгги беш йилда саноат, тадбиркорлик ва инфратузилма соҳаларида 50 дан ортиқ имтиёз ва енгилликлар берилди. Хусусан, инвестиция лойиҳаларига тўғридан-тўғри ер ажратиш ҳуқуқи фақат Қорақалпоғистонда жорий қилинди ва шу билан бирга, қиймати 50 миллиард сўмдан юқори лойиҳаларга инфратузилма яратиб берилиши ушбу соҳалар ривожи ва қамрови кенгаяётганидан далолат.

Ҳудудда амалга оширилаётган ушбу лойиҳалар 2025-2028 йилларда босқичма-босқич ишга туширилгач, 12 триллион сўмлик ишлаб чиқариш қуввати ва бюджетга 500 миллиард сўм қўшимча тушум имконияти яратилади.

## «АЙТИ» КАСБЛАРИНИ ПУХТА ЭГАЛЛАЁТГАН ЁШЛАР

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда ахборот технологиялари соҳаси жадал ривожланиб бормоқда. Етти йил олдин юртимизда «АйТи» компаниялари 147 та бўлган бўлса, бугунги кунда улар сони 2 мингдан ошди. Уларда 30 минг нафар ходим юқори даромадли иш билан банд. 70 минг нафардан зиёд ёш ахборот технологиялари билан мустақил шуғулланаётгани ҳам бу соҳа қамрови кенгайиб бораётганини кўрсатади.

Айтиш жоизки, Президент 2021 йил ташрифи чоғида «АйТи» парк учун янги бино қуриш бўйича кўрсатма берган эди. Шунга мувофиқ, Нукус шаҳри марказида 17 қаватли замонавий бинода «АйТи» таълим ва coworking марказлари, офислар, конференция зали ва хизмат хоналари мавжуд. Шунингдек, «АйТи» парк резидентлари, соҳада фаолият олиб бораётган инвесторлар, чет эллик аутсорсинг корхоналари жойлаштирилади. Аввал АҚШнинг Амазон компаниясида ишлаган қорақалпоғистонлик Бекназар Абдикамалов юртига қайтиб, ўзининг HUPO стартапга 4 миллион доллар сармоя жалб қилган ёшлардан.

**– Гарчи, хорижда фаолият юритган бўлсам-да, Ўзбекистон, Қорақалпоғистонда олиб борилаётган ислоҳотларга ҳеч қачон бефарқ бўлмаганман, – дейди Бекназар Абдикамалов. – Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистонда ёшлар учун яратиб берилаётган шароитлар бошқа давлатларда йўқ. Айтайлик, Президентимиз биз – ёшларнинг замонавий касбларни пухта эгаллашимиз учун мана шундай кўркам, замонавий бинони қуриб берганининг ўзиёқ алоҳида эътирофга лойиқ иш. Учрашувда ёшларнинг ҳар бир таклиф ва истаклари инобатга олиниб, кўрсатмалар берилгани биз учун мотивация вазифасини ўтайди.**

«АйТи» паркнинг Қорақалпоғистон филиали ахборот технологияларига қизиққан ёшларга замонавий касб сирларини ўргатишда давом этади ва бунинг учун муҳташам бинода шароит ҳам, имконият ҳам етарли.

## САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДАГИ ХАЛҚОНА СИЁСАТ

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон филиалининг иш бошлагани халқимиз учун ўзига хос туҳфа бўлди. Санитар хоналари умумий, 4-5 нафар бемор бир хонада тиқилиб ётишга мажбур марказда бугунги муҳит тамомила ўзгача.

Ўзбекистон Президентининг 2022 йил 7 июлдаги «Қорақалпоғистон Республикасида 2022-2024 йилларда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни янада кучайтириш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида тиббий хизматлар сифати ва қамрови ошди. 4 қаватли янги бинода шошилинч қабул-диагностика, реанимация, жарроҳлик, нейрожарроҳлик, травматология, кардиология, гинекология, педиатрия, лаборатория ташхиси ва амалиёт бўлимлари жойлашган.

130 ўринли мажмуада беморлар ва шифокорлар учун барча шарт-шароит яратилган. Бемор ҳаётини сақлаб қолишда вақт асосий ўрин эгаллайди. Шу боис марказда беморларни касаллик даражаси бўйича саралайдиган тираж бўлими ташкил этилган. Яъни мурожаат қилган инсон вақт йўқотиб, сарсон бўлиб юрмайди. Бу ерга шифокорнинг ўзи тушиб, беморни қайси соҳада даволаш зарурлиги бўйича хулоса қилади ва керакли бўлимларга йўналтиради.

Қайд этиш жоизки, Қорақалпоғистонда 2017-2024 йилларда: «Бир қадам» тамойили асосида 74 та оилавий шифокорлик пункти, 81 та оилавий поликлиника, 92 та маҳалла тиббиёт пункти ташкил этилди. Ихтисослаштирилган марказлар ҳудудий филиалларида 150 турдаги янги технологиялар жорий этилди. Йилига 4500 нафар беморнинг Тошкент ёки чет элга бормасдан, шу ернинг ўзида юқори сифатли ёрдам олиш имкони яратилди. Тўрткўл, Қўнғирот ва Чимбой туманларида қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказлари ташкил этилиб, йилига 11 минг нафар беморга туманларнинг ўзида шошилинч ва малакали тиббий ёрдам кўрсатилиши таъминланди.

## КЕГЕЙЛИДА ЁШ АВЛОД ФЕРМЕРЛАРИ

Кегейли туманидаги «Жузимбағ» овул фуқаролар йиғинида 4 минг 300 нафарга яқин аҳоли яшайди. Учта мактаб, олтита боғча, етмишдан ортиқ тадбиркорлик субъектида аҳоли доимий иш билан банд.

«Orol Agro» корхонаси томонидан «Ёшлар узум боғи» ташкил этилган ҳудудда 40 кишига ўртача 25 сотихдан ер ажратиб берилган. Воиш усулида парвариш қилинаётган ушбу токзорнинг қатор ораларидан ҳам омилкорлик билан фойдаланаётган ёшлар моддий томондан анча ўзларини тиклаб олишган. Турли сабзавотлар етиштириш эвазига бу ердан 400 тоннагача маҳсулот олинмоқда. Токлар тўлиқ ҳосилга кириши билан йилига 4 миллиард сўмлик 200 тоннага яқин маҳсулот олиниши кўзда тутилган.

**– Ортимизда бизни қўллаб-қувватлаб турган Президентимиз бор экан биз, ёшлар, албатта, кўзлаган мақсадимизга етамиз ва Юртбошимиз ишончини оқлаймиз, – дейди Абдираҳман Қўйлибаев. – Давлатимиз раҳбари, шунингдек, ёшларнинг таклифлари асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун совуткичли омбор қуриш, эҳтиёжманд йигит-қизларнинг тўйлари ва контракт тўловларига кўмаклашиш бўйича кўрсатмалар берганидан руҳланган ёшлар олдиларига янада катта мақсадларни қўйиб, юксак марраларни забт этишига ишонамиз. Кун келиб, Кегейлида ёш авлод фермерлари етишиб чиқишига шубҳа йўқ.**

Президентимизнинг икки кунлик ташрифи Қорақалпоғистонда асрларга татигулик ишларга дебоча бўлди, янги тарихий даврга асос солди десак, асло муболаға бўлмайди.

**Фотима АБДУРАИМОВА**
*«ISHONCH»*

*Муносабат*

# ХАЛҚНИ ЯНГИ ВА ЯНАДА КАТТА МАРРАЛАРГА РУҲЛАНТИРГАН ТАШРИФ

**Қорақалпоғистондаги юксалиш ва тараққиёт эпкинлари юртнинг янада чирой очаётгани, юзлаб корхоналар ишга тушаётгани, аҳоли турмуши фаровонлашиб бораётганида ўз аксини топмоқда.**

Бундан бир неча йил олдин туманимиздаги 2 миллион гектар ҳудудда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни сув танқислиги боис фақат орзу қилардик. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган йўл харитаси асосида бугун узлуксиз сув таъминоти йўлга қўйилди. Нукус шаҳрида олдинги икки қаватли бинолар ўрнида 16 қаватли иншоотлар бўй кўрсатяпти. Шу билан бирга, туманимизда ҳам мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз беряпти. Айниқса, туман марказидан 25 километр олисда Қаратеренг кўли қаршисидаги Бўршитов соҳилида миллий меҳмонхона шаклидаги ўтовларнинг қад рослаётгани ҳозирдан дунёнинг турли бурчакларидан келаётган сайёҳларни лол қолдирар даражада чиройли десак, муболаға бўлмайди.

Ташриф давомида Президентимиз бундан-да юксак марраларга йўл очувчи лойиҳаларнинг фаолиятини бошлаб берди. Шунингдек, Нукусда ишбилармонлар билан алоҳида мулоқотида тадбиркорлик учун қўшимча шароитлар яратиш бўйича муҳим янги ташаббуслар илгари сурилди.

Эндиликда туман ва шаҳар ҳокимлари ҳафтада бир кунни тўлиқ тадбиркор ва инвесторларга ажратиб, муаммосига ечим топиши соҳа вакиллари учун айни муддао бўлди.

Ҳокимлар ҳар ойда ўзига бириктирилган биттадан вилоятга боради, улардаги яхши тажрибаларни ўрганади ва туманида жорий қилади, дея таъкидлади давлатимиз раҳбари учрашувда. Тадбиркорларга ўз ҳудудидаги салоҳият ва устун жиҳатларни тақдимот қилади, камида 5 тадан ташаббускор топиб, ўз туманига олиб келади ва лойиҳани бошлайди.

Бундай истиқболли режалар бизни янги марралар сари чорлайди. Биз эса Янги Ўзбекистон, Янги Қорақалпоғистонни ривожлантириш учун билим ва тажрибамизни аямасдан меҳнат қиламиз.

**Сарсенбой СЕЙТНАЗАРОВ,**
*Тахтакўпир туманидаги «Тайимбет» кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони*

* * *

# ЭЛ СОҒЛИҒИ – ЮРТ БОЙЛИГИ

**Президентимизнинг марказимизга ташрифи бизни жуда хурсанд қилди. Давлатимиз раҳбари бу ердаги шароитлар билан яқиндан танишди.**

Марказ илгари эски бинода жойлашган эди. Талабга умуман жавоб бермасди. Бир хонада 4-5 бемор ётар, санитар хоналар йўқ эди. Шу йилнинг февралида янги бино фойдаланишга топширилди. Бу мустақиллик йилларида Қорақалпоғистонда «нолдан» қурилган биринчи кўп тармоқли шифохона бўлди.

4 қаватли янги бинода шошилинч қабул-диагностика, реанимация, жарроҳлик, нейрожарроҳлик, травматология, кардиология, гинекология, педиатрия, лаборатория ташхиси ва амалиёт бўлимлари жойлашган. Барча бўлимлар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган.

Олдин мурожаат қилган беморларнинг аксарияти шифохонага ётқизилган. Эндиликда муайян тиббий муолажалардан сўнг, беморнинг ҳолатига қараб яшаш жойида амбулатор даволанишга рухсат берилади. Шунингдек, илгари юрак-қон томир касалликлари билан мурожаат қилган беморларга оддий текшириш усулларида ёрдам кўрсатилган. Энди янги келтирилган замонавий ангиография ускунаси инсонлар ҳаётини сақлаб қолишда яхши самара бермоқда. Ўлим ва ногиронликка олиб келиш ҳолатлари кескин камайди.

Давлатимиз раҳбари мулоқот давомида марказ фаолиятига замонавий менежментни жорий қилиш масаласини илгари сурди. Тиббиёти ривожланган мамлакатлардан тажрибали шифокорларни жалб этиш, хорижда мутахассислар малакасини ошириш ҳақидаги таклифлари дилимиздаги гаплар бўлди.

**Альфия КЕНЖАМУРАТОВА,**
*Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон филиали реанимация-анестезиология бўлими катта ҳамшираси*



# МАЙМУНЧЕЧАК:

Бугуннинг гапи

# БУ ХАСТАЛИК НЕЧОҒЛИ ХАВФЛИ?

**Маймунчечак касаллиги – кам учрайдиган, юқумли, аммо жиддий касалликлардан бири бўлиб, юқори ҳарорат, лимфа тугунларининг катталашиши ва тошма тошиши билан характерланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Африкада ушбу касаллик эпидемиясини халқаро аҳамиятга эга фавқулодда ҳолат, деб эълон қилди.**

Касалликнинг номи «маймун» сўзи билан боғлиқ бўлса-да, инсонлар ва бошқа ҳайвонларга ҳам жиддий таъсир қилиши мумкин.

Маймунчечак ортопоксвирусларни келтириб чиқаради. Уларни баъзи кемирувчилар ва ҳайвонлар ташийди. Маймунчечак касаллигининг ташхисини қўйиш учун клиник белгиларга эътибор қаратилади, лекин лаборатор таҳлиллар орқали ҳам тасдиқланиши зарур. Вирусни аниқлаш учун теридан олинадиган намуна ёки қон таҳлиллари ўтказилади.



Касалликни даволашда асосан симптоматик даволаш амалга оширилади. Бу дегани, беморга тана ҳароратини тушириш, оғриқни камайтириш ва инфекцияни назорат қилиш учун дорилар берилади. Жиддий ҳолларда, шифокорлар антивирал дори-дармонлар тайинлашлари мумкин.

Аломатлар жиддий бўлса ёки оғир сурункали касалликлар билан кечса, тузалгунга қадар шифохонада бўлиш лозим. Вирусга қарши препаратлар билан самарали даволаш мумкин.



### *Инфекция ҳаво-томчи орқали:*

теридан терига – инфекция бемор терисининг зарарланган қисмлари билан терига текканда, шу жумладан, жинсий алоқа пайтида;

оғиздан оғизга – бир-бирини ўпганда юқади.

Касаллик онадан ҳомилага ўтиши мумкин. Одатда хасталик 2 ҳафтадан 4 ҳафтагача давом этади.

### *Касаллик одатда қуйидаги босқичларда ривожланади:*

1. Инкубацион давр: инфекция танага киргандан кейин 5-21 кун давомида ҳеч қандай белгилар пайдо бўлмайди.
2. Бошланғич босқич: бош оғриғи, иситма, мушак ва бўғимлар оғриғи, чарчоқ, лимфа тугунларининг катталашиши ва умумий ҳолсизлик каби симптомлар кузатилади.
3. Тўқима ўзгариши: бир неча кун ичида терида майда пуфакчалар пайдо бўлади, улар кейинчалик йирингли халтачаларга айланиши мумкин.

Бу пуфакчалар асосан юз, қўл-оёқлар ва тананинг бошқа қисмларида пайдо бўлади.

4. Қайталаниш: Белгилар аста-секин камаяди, пуфакчалар қуриб, қобиқ ҳосил қилади ва тушади. Бу даврда касалликнинг тарқалиши хавфи катта бўлади.

### *Олдини олиш учун қуйидаги чоралар кўрилиши зарур:*



- юқтирган ҳайвонлар билан контактда бўлишдан сақланиш;
- вирус тарқалган ҳудудларга саёҳат қилишда эҳтиёткорлик чораларини кўриш;
- шахсий гигиенага риоя қилиш ва қўлларни мунтазам ювиш;
- зарур бўлганда ҳимоя кийимларини кийиш;
- шунингдек, касалликнинг илк белгилари пайдо бўлганда дарҳол шифокорга мурожаат қилиш зарур.

Шу тарзда бу хавфли вирусдан ҳимояланиш ва соғлиқни сақлаш тизими томонидан назорат остида ушлаб туриш мумкин бўлади.

Оддий чечакка қарши эмлашлар ҳам мавжуд бўлиб, улар маймунчечакка қарши ҳам қўлланади. Уларни хавф остида бўлган одамларга: алоҳида ҳудудларга саёҳат қилувчиларга ёки касалланганлар билан ишлайдиган шифокорларга қилиш тавсия этилади.

### ЎЗБЕКИСТОН БУ ВИРУСГА КУРАШИШГА ТАЙЁРМИ?

Айни пайтда Соғлиқни сақлаш вазирлиги юқумли касалликлар шифохонасида ётқизиш мақсадида шифо ўринлари, зарур дори воситалари захираси ташкил этилганини маълум қилди.

Хасталикка чалинган бемор билан мулоқотда бўлганларнинг 21 кун мобайнида тиббий кузатувини ташкил этиш белгилаб олинди ва касалликнинг четдан кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш борасида халқаро аэропортларда, темир йўл ва автомобиль йўллари орқали чегара кесишган жойларда санитария назорати пунктлари мутахассисларининг ҳушёрлиги оширилгани айтилмоқда.

Вазирлик ахборот хизмати берган маълумотларга кўра, касалликни лаборатор аниқлаш учун тест-диагностикум захираси яратилмоқда.

*«ISHONCH» мухбири*
**Феруза РАҲИМОВА**
**тайёрлади**

«Ishonch»га жавоб берадилар

**«Ishonch» газетасининг 2024 йил 6 июлдаги сонида «Чемпион»га нималар тўсқинлик қилмоқда?» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унга Давлат кадастрлари палатаси Қашқадарё вилояти бошқармасидан қуйидаги мазмунда жавоб келди:**

# МАСАЛА СУД ОРҚАЛИ ҲАЛ ЭТИЛИШИ КЕРАК


2024-YIL 6-IYUL, SHANBA
№ 82 (4990)
NIGOH
Ishonch 3
Муаммо ва ечим
«ЧЕМПИОН»ГА НИМАЛАР ТЎСҚИНЛИК ҚИЛМОҚДА?
Қашқадарёлик спорт фидойиси Отабек Турсунов соғлом авлодни тарбиялашга ҳисса қўшиш, халқаро майдонларда Ватан байроғи баланд кўтарилиши учун 2005 йилда «Чемпион» спорт клубига асос солди. Қарши тумани Ҳилол қишлоғидаги ташландиқ бино таъмирланиб, спорт зали барпо этилди ва машғулотлар йўлга қўйилди.
ЎЗИНИКИ ЁТ, ЎЗГАНИКИ ЁД
НАТОга 75 йил
ТАРИХДАН ДЕВОЧА
ЖАМОА МУДОФААСИ ВА ҲАМКОРЛИК
НАТОнинг КЕНГАЙИШИ
НАТО ТИЗИМИ

*Ўрганиш жараёнида Яккабоғ тумани ҳокимининг 2007 йил 12 майдаги Х-703/05-сонли қарорига асосан «Чемпион» спорт клубига спорт лагери қуриш учун 2 гектар ер майдони доимий фойдаланиш учун ажратиб берилгани аниқланди.*

*2009 йил 19 августда «Чемпион» спорт клуби томонидан қуриб битказилган лагернинг маъмурий ва ёрдамчи биноларини фойдаланишга топшириш ҳамда унга эгалик ҳуқуқини бериш тўғрисида Яккабоғ тумани ҳокимининг Х-1540/08-сонли қарори қабул қилинган. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатларга кўра, кадастр йиғма жилди шакллантирилиб, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилган.*

*Мазкур кўчмас мулк объектлари 2010 йил 14 августдаги 1735-сонли маъмурий бинонинг ҳадя шартномасига биноан «Ўктам ота» хусусий корхонаси балансига ўтказилган. Ҳозирги кунда ушбу кўчмас мулк объектлари 2019 йил 14 майдаги олди-сотди шартномасига асосан «Qoplon dara eco tourist» МЧЖ балансига олинган ҳамда кадастр йиғма жилди шакллантирилиб, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилган.*

*Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги «Ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратишнинг маъмурий регламентини тасдиқлатиш тўғрисида»ги 543-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, мазкур қарорга мувофиқ Қашқадарё вилояти ҳокимининг 2024 йил 29 мартдаги «Сув хўжалиги вазирлиги «Аму-Қашқадарё» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси томонидан амалда фойдаланиб келаётган вилоят ҳудудида жойлашган (оқиб ўтган) 12 та дарё Оқдарё, Қорадарё, Кичик ўра, Катта ўра, Ғузордарё, Аёқчидарё, Қумдарё, Яккабоғдарё (Қизилдарё), Турнабулоқ, Гулдара, Лангар ва Оқсувдарёларнинг фойдаланишида бўлган (эгаллаб турган) ва соҳил бўйи минтақа майдонидаги ер участкаларини доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратиш тўғрисида»ги 141-4-0-Q/24-сонли қарори қабул қилинган. Ушбу қарор иловасида Яккабоғдарё (Қизилдарё)нинг Яккабоғ тумани ҳудудидаги фойдаланиш майдони 224.55 гектар, дарё ўзани майдони 305.70 гектар, соҳил бўйи минтақа майдони 224.55 гектар экани кўрсатилган.*

*Яккабоғдарё (Қизилдарё) дарёсининг минтақа майдони Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 981-сонли қарорига асосан 35 метр қилиб белгиланган. Ҳозирда Яккабоғдарё (Қизилдарё)га кадастр йиғма жилди шакллантирилмаган ва кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлари давлат рўйхатидан ўтказилмаган.*

*2019 йил 14 майдаги олди-сотди шартномасига асосан «Qoplon dara eco tourist» МЧЖга тегишли ер майдони ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимининг 2024 йил 29 мартдаги 141-4-0-Қ/24-сонли қарорига асосан «Аму-Қашқадарё» ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига доимий фойдаланиш учун ажратилган Яккабоғдарё (Қизилдарё) дарёсининг ер майдонлари бир-бири билан устма-уст тушмаслиги маълум бўлди.*

*Ер кодексининг 89-моддасига мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги ер хусусидаги низолар суд томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилишини маълум қиламиз.*

**Давлат кадастрлари палатаси**
**Қашқадарё вилояти**
**бошқармаси бошлиғи** **Т.ТЎХТАЕВ**

Мулоҳаза

**Тошкентдаги «Чорсу» бозорининг бешикчилар расталари қаршисидаги пиёдалар ўтиш жойида машиналар уч нафар кекса эркакни ўтказиб юбориш учун тўхтаб турарди. Бироқ кутилмаганда «Ласетти» машинаси пиёдаларга йўл бермай, бир йўловчини уриб юборди. Нарироққа бориб тўхтаган машинанинг ўнг томондаги олд ўриндиғидан ёш жувон қўлида чақалоғи билан бепарволарча тушиб келди. Катта ёшли ҳайдовчилардан бири унга «Пешеход»да тўхташ керак-ку, бир кишига жабр қилдингизлар», деди-ю, балога қолди. Аёл заррача хижолат тортмай, «Бу ишни атай қилганимиз йўқ. Сен бизга ақл ўргатма, бор, йўлингдан қолма!» деб уни жеркиб ташлади. Ҳайдовчи эса ёшгина қиз экан, машинадан тушибоқ, ерда ётган киши томонга қараб юрди.**

# АЁЛ ШАЪНИГА ДОҒ ТУШИРМАНГ!

Кўп ўтмай шунга ўхшаш яна бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Бозорда икки нафар сотувчи аёл нимадир сабаб бўлиб, мижозлари олдида жанжаллашиб қолишди. Улар бозорни бошларига кўтариб, бир-бирини шунақанги уят сўзлар билан ҳақорат қилардики, ҳатто эркаклар ҳам уялиб кетишди.

Ҳолбуки, аёл зоти ибоси билан гўзал. Юзларидан нур, сўзларидан ҳикмат ёғилиб турадиган оналаримизга, опа-сингилларимизга жуда ҳавасим келади. Лекин гуруч курмаксиз бўлмаганидек, опа-сингилларимиз ва қизларимиз орасида оғзидан боди кириб, шоди чиқадиганлари ҳам топилади. Улар ножўя гап-сўзлари билан нафақат ўзларининг, балки бошқа хотин-қизларимизнинг ҳам шаънига доғ туширишади. Аҳвол шу зайлда давом этиб, аёл маънавияти деган муқаддас қадриятлар поймол бўлаверса, бизлар эса ҳеч нарса бўлмагандай бефарқ қараб тураверсак, гуруч орасидаги курмаклар кўпайиб кетади.

Хўш, бу хусусда сизлар қандай фикрдасизлар?

**Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,**
*Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси*

Эълон

## «Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «BAG'DOD PAXTA TOZALASH» АЖнинг 02.08.2024 йил куни 01/66-сонли буюртма хатига асосан жамиятга қарашли, Фарғона вилояти Олтиариқ тумани, «Шодиёна» МФЙ, Табассум кўчаси, 49А-уйда жойлашган «Файзиобод пахта тозалаш маскани» бино ва иншоотлари мулкий мажмуаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 2 269 228 888 (Икки миллиард икки юз олтмиш тўққиз миллион икки юз йигирма саккиз минг саккиз юз саксон саккиз) сўм.

Аукцион савдоси 2024 йилнинг 24 сентябрь куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Буюртмалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Буюртмаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2024 йил 20 сентябрь, соат 16:00.

24 сентябрь куни аукцион савдосида мулкий мажмуа сотилмай қолган тақдирда, кейинги савдолар 2024 йилнинг 9 октябрь, 24 октябрь, 8 ноябрь кунлари бўлиб ўтишини, аризаларни қабул қилиш бир кун олдин тўхтатилишини маълум қиламиз.

**Савдога қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:**

**– юридик шахслар учун** – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

**– жисмоний шахслар учун** – паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига закалат тўланганини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Савдо ғолибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси «Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиалининг қуйидаги ҳисобрақамига (ҳ/р: 2020 8000 3004 3360 1012, банк: «Траст-банк» ХАБ Фарғона филиали, МФО: 01123, СТИР: 303179580, ОКОНХ: 84300) закалат келишув шартномасига асосан ўтказишлари шарт.

**Савдо ташкилотчисининг ва савдо ўтказиладиган манзил:** Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 45-уй, 3-қават. **Телефон:** (99895) 402-54-75. **Электрон манзил:** www.emulk.uz. best.fergana@mail.ru.

**Лицензия RR-0225.**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши ҳамда вилоятдаги барча тармоқ касаба уюшма кенгашлари жамоалари Самарқанд вилояти руҳий касалликлар шифохонаси раҳбари

**Акмал Асророви АҲРОРОВ**

вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат юридик университети жамоаси ҳамда касаба уюшма қўмитаси университетнинг Фахрийлар кенгаши аъзоси

**Муҳиддин Саидазимович САИДАҲМЕДОВ**

вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқ касаба уюшмасининг Навоий вилояти кенгаши раиси Феруза Раҳимовага опаси

**Меҳри ИСКАНДАРОВА**

вафот этгани муносабати билан таъзия билдиради.




Кутлов

# Шуҳратли йўл

*Узоқ умр кўришни ҳамма хоҳлайди. Аммо улуғ ёшларга етиб, умрни мазмунли, мақсадли ва ибратли ўтказиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Орамизда шундай инсонлар борки, уларнинг ҳаёт йўли ҳар қанча ҳавас қилишга, ибрат олишга арзигулик бўлади.*

*Яқиндагина қутлуғ 85 ёшга тўлиб, дўстлари, шогирдлари ва яқинларидан самимий қутловлар олаётган Шуҳрат Жалиловнинг сермазмун ҳаёти ва фаолияти ҳақида узоқ гапириш мумкин.*

*Шуҳрат Жалилов 1939 йил 17 августда Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида туғилган. Ўрта мактабни тамомлагач, 1961 йил Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)га ўқишга кириб, 1965 йилда ушбу даргоҳни ҳуқуқшунос мутахассислиги бўйича тамомлаган. У ўша йилнинг ўзидаёқ университетда илмий ходим сифатида меҳнат фаолиятини бошлаб, 1992 йилгача мазкур даргоҳда ўқитувчилик ва бошқа турли лавозимларда фаолият юритади.*

*Университетда катта ҳаётий ва илмий тажрибага эга бўлган Шуҳрат Жалилов 1992-1998 йилларда Тошкент шаҳар ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари, 1998-2003 йилларда эса «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика Бошқаруви раиси лавозимида самарали иш олиб борди. 2003-2012 йилларда Ўзбекистон Миллий университетида кафедра мудири сифатида ёш авлодга ўз билим ва тажрибаларини улашди.*

*Шуни таъкидлаш жоизки, 2012-2015 йилларда Ўзбекистон Миллий университетида профессор Шуҳрат Жалилов раҳбарлигида 10 дан ортиқ номзодлик ва докторлик диссертациялари ёқланган. У киши 12 та монография ва дарсликлар, шунингдек, 150 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи сифатида илмий жамоатчилик орасида обрў-эътибор топган.*

*1993-1998 йилларда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши, 1998-2004 йилларда эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати сифатида фаолият юритган Шуҳрат Жалилов сайловчиларнинг эътибори ва ишончини қозонди.*

*2017-2020 йилларда «Нуроний» жамғармаси Республика Бошқаруви раиси лавозимида фаолият олиб борган Шуҳрат Жалилов 2020 йил 21 январда Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг раис маслаҳатчиси – ўринбосари лавозимига ишга қабул қилинган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари лавозимида самарали фаолият юритиб келмоқда.*

*Қаҳрамонимиз қаерда ишламасин, соҳани чуқур биладиган, тизимда олиб борилаётган ислоҳотларни таҳлил эта оладиган, шунингдек, юксак илмий салоҳиятга эга инсон сифатида ўзининг ташкилотчилик ва етакчилик қобилиятларини намоён этиб келмоқда. У бугун республикамизнинг таълим ва фан вакиллари билан доим яқиндан мулоқотда бўлиб, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда.*

*Дейишадики, эл-юртга хизмат қилиш, унинг корига яраш ҳам бир саодатдир. Шуҳрат Жалилов ҳам ана шу саодат йўлида сидқидилдан хизмат қилиб келаётганлардан бири.*

*– Меҳнат фаолиятим давомида бир қанча жойларда ишлаб, бир ҳақиқатни англадим, – дейди Шуҳрат Жалилов. – Қаердаки, жамоа билан ҳамжиҳат, халқ билан бирга бўлсангиз, албатта, ҳурмат-эътиборга сазовор бўларкансиз. Менимча, эл-юртнинг ҳурмати ва ишончини қозонишдан ортиқ бахт йўқ. Шу маънода давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳар қанча ҳавас қилишга лойиқ лидер! Муҳтарам Президентимиз етакчилигида кейинги йилларда Янги Ўзбекистонда бўлаётган улкан ўзгаришлар, янгиликлар ва ислоҳотларни бутун дунё кузатмоқда ва эътироф этмоқда. Мен ҳам узоқ йиллар турли жойларда фаолият кўрсатган ва кузатган инсон сифатида шуни айтишим мумкинки, илгариги вақтлар билан бугунги кунни таққослайдиган бўлсак, ўртада катта фарқ бор. Бугун ўқитувчилар ва ўқувчилар пахта теримига чиқмайди, бугун педагоглар ва тиббиёт ходимлари кўча тозаламайди ва бошқа турли ишларга жалб қилинмайди, бугун аҳолининг барча ёшдаги қатламлари учун кўп имкониятлар ва имтиёзлар яратилган, бугун жамиятда эркинлик бор, инсон қадри ҳар нарсадан устун. Шуни унутмаслик керакки, юртимиздаги янгиланиш жараёнларига дахлдорлик ҳисси билан яшамоқ, давлатимиз юритаётган пухта ўйланган сиёсатни ҳаётга татбиқ этишда ташаббускорлик қилмоқ, энг аввало, ўзимиз ва оиламиз манфаатига хизмат қилади.*

*3 нафар фарзанд ҳамда 6 нафар набиранинг ардоғида умргузаронлик қилаётган Шуҳрат Жалиловнинг узоқ йиллик самарали ва фидокорона меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб эътироф этилган. У киши турли йилларда «Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими», «Халқ таълими фахрийси» кўкрак нишони, «Шуҳрат» медали ҳамда «Дўстлик» ордени, шунингдек, «Касаба уюшмалари кунига 1 йил» эсдалик кўкрак нишони, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Эҳтиром» нишони мукофотлари билан тақдирланган.*

***Яқинда ушбу мукофотлар қаторига яна бир юксак мукофот қўшилди. Президент фармони билан Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ўринбосари Шуҳрат Илҳомович Жалилов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.***

*Ушбу мукофот Шуҳрат Жалиловга давлат идоралари ва жамоат ташкилотларидаги кўп йиллик самарали меҳнати, юртимизда маҳалла институти ва касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш, кекса авлод вакилларини қўллаб-қувватлашга қўшаётган муносиб ҳиссаси, ёшларни тарбиялаш йўлидаги ибратли ишлари, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки, шунингдек, таваллудининг 85 йиллиги муносабати билан берилди.*

*Биз ҳам, бугун республикада олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг тармоқ касаба уюшмаси фаолиятида акс этишида ўзининг бой ҳаётий тажрибаси ва маслаҳатлари билан муносиб ҳисса қўшиб келаётган Шуҳрат Жалиловни юксак мукофот билан қутлаймиз! У кишига бундан кейинги фаолиятида ҳам улкан зафарлар ва тани сиҳатлик тилаймиз!*

*Сизга ҳавас қилганларга сизнинг йўлингизни берсин...*

**Алижон АБДУРАҲМОНОВ**
*«ISHONCH»*

Во ажаб!

# Дунёдаги ноодатий мактаблар

**Бугун бутун дунёда шундай: болалар вақтларининг аксариятини мактабда ўтказишади. Шу сабаб таълим масканининг кўриниши – хоналари чиройли жиҳозланиши, ташқи фасади билим маконини намоён этиб туриши ниҳоятда муҳим саналади. Зотан, атроф-муҳит боланинг ақлий ривожланиши ва шахсиятини шакллантиришда катта аҳамиятга эга.**
**Буни қарангки, дунёда илмга қизиқиш шу даражада юқорики, баъзан мактаблар ҳам жой танламас экан. Бугун сизларни ана шундай ноодатий мактаблар ҳақидаги маълумотлар билан таништирмоқчимиз.**



### Сузувчи қишлоқдаги мактаб (Камбоджа)

Ҳаммамизга маълумки, Ҳиндихитой ярим оролида Камбоджа деган давлат мавжуд. Ана шу мамлакатга тегишли Тонлесап кўлида сузувчи қишлоқ мавжуд. Копонглуонг деб аталадиган мазкур қишлоқда ота-онаси балиқ овлаш пайтида вафот этган бир қанча етим болалар ва уларнинг мураббийлари яшайди. Оролда тураржойлар, бир неча дўконлар ва албатта мактаб ҳам мавжуд.

Қишлоқ айни жиҳати билан сайёҳларни ўзига жалб этади. Туризмдан тушган даромад оиласиз қолган болаларнинг келажагига сарфланади.

### Умумий тил топиш мактаби (Жанубий Корея)

Жанубий Кореяда муҳожирларнинг фарзандлари учун Пусан халқаро мактаби ташкил этилган.

Унинг бошқа таълим муассасаларидан фарқи интенсив мослашувга ихтисослашганидир. Гап шундаки, оддий корейс мактабларида таълим янги келганлар учун қийин кечади – тилни яхши билмаслик, маҳаллий урф-одатлардан хабардор бўлмаслик боланинг мослашувини қийинлаштиради.

Шу сабаб мазкур мактаб ташкил қилинган бўлиб, унда асосий эътибор интенсив мослашишга қаратилган. Кўпчилиги психологик маълумотга эга фан ўқитувчилари болаларга бу жараёнда кўмак кўрсатишади. Умумий тил топиш мактаби болаларга корейс жамиятига интеграциялашиш ва халқаро таълим олиш имконини беради. Мактаб IB халқаро бакалавр тизими бўйича ишлайди. Кўпчилик болалар бир вақтнинг ўзида учта чет тилини – корейс, инглиз ва испан тилларини ўрганишади.

### Кўчманчилар мактаби (Россия)

Ёқутистонда маҳаллий аҳолининг катта қисми буғу боқиш билан шуғулланади. Кўчманчи турмуш тарзини талаб қиладиган бу машғулот сабаб яқин-яқингача болалар таълим олиш учун мактаб-интернатларга боришга мажбур бўлишар эди.

Энди вазият ўзгармоқда. Айни вақтда барча зарур ўқув жиҳозлари билан таъминланган кўчма мактаблар ташкил этилмоқда. Натижада чорвадорларнинг болалари оддий ҳаёт кечиришлари ва ота-оналари билан яшашлари мумкин бўляпти.

### Саргузаштлар мактаби (АҚШ)

Ушбу мактабдаги аксарият дарслар синфхоналарда эмас, балки табиат бағрида ўтади. Биология дарслари яқин атрофдаги фермада ташкил этилса, ўқувчилар география мавзуларини қайиқдаги саёҳат пайтида ўрганиши мумкин.

Таълим масканида ўқувчилар кўплаб лойиҳаларни амалга оширишади. Жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик кўникмаларини эгаллаш учун махсус дала шароитларида экин экиши, чорва молларини парваришлаши мумкин. Ёки йил давомида битирув оқшоми учун спектаклга тайёргарлик жараёнида қатнашишади.

Умуман олганда, мактаб маъмурияти бу каби таълим услублари болаларда ижтимоий масъулият туйғусини ривожлантиришга кўмак беради, деб ҳисоблайдилар.

### Дунё билан ёқимли мулоқот (АҚШ)

Америкадаги яна бир ноодатий мактаб. Бу ерда ўқиш – ақл бовар қилмайдиган муваффақият ҳисобланади.

Тоғли Махоганидаги ушбу мактабга омади кулиб боққанларгина қабул қилинади. Мазкур таълим муассасасига кириш учун дастлаб онлайн ариза топширилади. Шундан сўнг абитуриент ўқувчилар ўртасида лотерея ўйналади. Тасодифий тарзда аниқланган ғолиблар Тоғли Махогани мактаби ўқувчисига айланишади.

Мактабнинг асосий тамойиллари завқ, хавфсизлик ва ҳиссий ривожланиш ҳисобланади. Бу ерда болалар, энг аввало, амалий кўникмалар – боғдорчилик, пазандачилик, ҳунармандчиликни ўрганадилар. Математика ёки инглиз тили каби умумий таълим фанлари ҳам ўқув дастурларига киритилган.

### Очиқ мактаб (Дания)

Копенгагендаги Орестад гимназияси ўзига хос мактаб бўлиб, унда дарслар, аудиторияга бўлиниш йўқ. Мактаб очиқ майдон тамойили асосида қурилган.

2007 йилда гимназия биноси Даниядаги энг яхши бино деб топилган. Чунки мактаб ниҳоятда гўзал. Очиқ хоналар, ёстиқларга ёнбошлаб, ноутбукда ишлаш имконияти, ойнали ва ёруғ хоналар – буларнинг барчаси болаларни мактабда кўпроқ ушлаб қолиш учун чоралардир.

### Ерости мактаби (АҚШ)

Сизнингча, ерости мактаблари фақат эртаклар оламида мавжудми? Сиз ноҳақсиз. Сеҳргарлик замонавий ҳаётда ҳам содир бўлади. Бунга яққол мисол Виржиниядаги Террасет мактабидир. Энергетика инқирози даврида, мактабларни иситиш масаласи кескинлашганда, Рестон шаҳрида ноёб лойиҳа сифатида – ерости мактаби қурилган.

Мактаб қуёш панеллари билан иситилади. Террасет Қўшма Штатлардаги энергияни тежаш бўйича энг тежамкор мактаб ҳисобланади.

### Улкан хўрозқандга монанд мактаб (Сингапур)

Сингапурнинг Нанчанг шаҳридаги Нанянг бошланғич мактаби ўқувчилари ҳеч қачон зерикишмайди.

Улкан хўрозқандга монанд қурилган мактаб дизайни кўзни қувонтиради. Ўқувчилар бинонинг қийшиқ йўлаклари бўйлаб ҳаракатланишади. Унинг марказида синфхоналарга олиб кирадиган марказий зинапоя мавжуд. Дид билан лойиҳалаштирилган ландшафт, жар устидаги спорт майдончаларининг жойлашуви ғаройиб ҳиссиётлар уйғотади.

Синфхоналар учун тинчлантирувчи ранглардан фойдаланилган. Бу эса болаларнинг диққатини жамлашига ва интизомини яхшилашга ёрдам беради.

### Бугунги кун мактаби (Жанубий Каролина, АҚШ)

Дунёдаги ажойиб мактаблар қаторида Американинг Жанубий Каролинадаги Carpe Diem (Бугунги кун) мактаби бор. Ушбу таълим маскани маъмурияти ҳар бир боланинг таълимига индивидуал ёндашув зарур, деб ҳисоблашади.

Умуман олганда, мактаб компьютер билан жиҳозланган алоҳида-алоҳида 300 та ўқув хонасидан иборат бўлган улкан офисга ўхшайди. Таълимга бундай ностандарт ёндашув ўз самарасини бермоқда. Carpe Diem мактаби кетма-кет бир неча йил давомида минтақада энг яхши академик натижаларни намойиш этди. Бундан ташқари, мактаб ўқувчилари мамлакатдаги тенгдошларига қараганда ўртача уч баробар кўп китоб ўқийди.

### Кўприк остидаги мактаб (Ҳиндистон)

Янги Деҳлидаги ушбу мактаб кўнгиллилар томонидан ташкил этилган.

Бир неча йиллардан бери фаолият юритиб келаётган бу ғайриоддий мактабга ҳар куни эллик нафарга яқин бола дарсга келади. Ундаги ягона ўқитувчи ўсмирлар ўқиши ва кўчада дайдиб юрмасликлари шарти билан, мутлақо текинга ўқитади. Энг қизиғи, бу мактабда ўқувчилар дарс қолдирмасдан, мунтазам равишда уй вазифаларини бажариб боришади.

Ҳозирча Кўприк остидаги мактабнинг машҳур битирувчилари йўқ. Аммо унинг ўқитувчиси ва ўқувчилари бир куни ана шундай инсонлар пайдо бўлишига ишонишади.

**Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА**
*тайёрлади*

МУАССИС:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:
Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay’ati raisi),
Ulug‘bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G‘OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),
Mehriddin SHUKUROV (Mas’ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog‘iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg‘ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

Navbatchi muharrir: S. Abdurahmonov
Musahhihlar: D. Xudoyberganova, D. Ravshanova
Sahifalovchi: H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 00:50
Topshirildi – 01:10

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko‘rsatkichi: 133

Umumiy adadi 34 226 та
Shundan:
7 150 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;
18 677 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;
8 399 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg‘ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda
chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G-811

1 2 3 4 5 6